

## ШАРТНОМА № 40

Хатирчи туман ХТБга карашли № 40-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш.

Хатирчи туман

11.03.2022- й

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиги Хатирчи туман ХТБ мудирини номидан «Низом» асосида иш курувчи О.Бабақулов бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Навоий Омад Инвест» МЧЖ номидан «Низом» асосида иш курувчи Б.Барақаев иккинчи томондан Хатирчи туман ХТБга карашли №40-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топширишга доир мазкур шартнома тузадилар.

### I. ТАРИФЛАР

1.1 Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**1.2 қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**1.3 вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**1.4 беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**1.5 шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига ХТБга карашли №40-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиҳада кўзда тутилган таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### ШАРТНОМА БҲЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов савдоси комиссиясининг қарори (10.03.2022 йил электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 193 000 000 (Бир юз тўқсон уч миллион сўм)ни ташкил этади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.2 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 4-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Курилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.3 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3 -иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

5.1. Шартнома:

имзолаган пайтдан бошлаб Хатирчи туман Газначилик булимидан руйхатдан утгандан сунг конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирилади.

5.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

5.4 Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

6.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, иш бошланиш ойдан аванс утказади, 57 900 000 сўмни ташкил этади.

6.2 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

6.3 Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

6.4 Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдориди, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

6.5 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.6 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

7.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини, техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.7 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

7.8 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.9 Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.10 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

7.11 Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.12 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.13 Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

7.14 Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.15 Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.16 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

7.17 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.18 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.19 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

8.1 Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

8.2 Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу

ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. .

#### **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОҲЛАНТИРИШ**

10.1. Томонлар буни еълон қилишади:

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш ва/ёки коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/ҳаракатсизлик қилмайдилар, шу жумладан (лекин чекланмаган ҳолда) пора бериш ёки пора бериш, пора бериш, товламачилик, пора олиш учун бевосита ёки билвосита розилик берадилар.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакиллари, шу жумладан пул суммалари, совғалар бериш, уларга бепул хизмат кўрсатиш ёки ушбу ходим ёки ваколатли вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига бирон-бир ҳаракат/ҳаракатсизлик бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлантиришдан бош тортадилар.

10.2. 6.1-банднинг қоидаларини бузиш содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган шубҳалар мавжуд бўлса. мазкур шартноманинг тегишли томони бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлиги фактининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлган тақдирда еса, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар ҳам хабардор қилиши шарт.

#### **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

11.1 Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2 Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3 Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. КАФОЛАТЛАР**

12.1 Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2 Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект кафолатли муддати камида 1 ой этиб белгиланади.

12.3 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

#### **13.1 Буюртмачи:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **13.2 Пудратчи:**

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

14.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2 Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3 Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорига, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига пеня тўлайди.

14.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.6 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

15.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

16.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисmlарига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 4 нусхада тузилди.

16.8 Маскур шартнома газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача кадар амал килади.

#### **XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

**Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:**

**Пудратчи**

**Хатирчи туман «Навой Омад Инвест»  
МЧЖ**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: .Навой вилояти Кармана тумани

Тел./факс 98 571 00 73

Банк номи: Микрокредитбанк Навой  
шахар фил.

р/с 20208000404834735001

МФО 00198 СТИР 301519284

ИФУТ: 41202

рабари  **Б. Баракаев.**



**Буюртмачи**

**Хатирчи туман Халк таълими бўлими**

(бюджетдан

маблаг олувчининг номи)

Манзил: Хатирчи туман

Мустакиллик куча 2

Тел./факс

:+ \_\_\_\_\_

Банк номи: Марказий банк

Тошкент шах.

р/с

401722860122517092100075053

МФО 00014 СТИР

200026285

ОКОНХ:



 **О. Бабакулов.**

Газначиликбулинмаси номи

Хатирчи тумани

Газначилик булинмаси

Газна р/с: 234020030010001010

Банк номи: Марказий банк ХККМ

МФО: 00014 СТИР: 201 122 919



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDAGI  
XULOSA**

**№**

**1. Loyiha turi**

Shartnoma

**2. Loyiha nomi**

Xizmat ko'rsatish shartnomasi (40-maktab Navoiy omad Invest MChJ  
193 000 000)

**3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Xatirchi tuman Xalq ta'lim bo'limi

**14.03.2022 yil**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va ushbu hujjat loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq deb topilsin.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti**



**J.T.Primov  
14.03.2022 yil**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 35642 на приобретение Хатирчи туман  
ХТБга карашли 40-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун**  
Способ проведения **электронный**

Дата 10.03.2022

Время рассмотрения 10.03.2022 15:47

Конкурсная комиссия Хатирчи тумани Халк таълими бўлими (ММБХ), (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	BAVAQULOV ODILION MAHMUDOVICHI	Мудир	Хатирчи туман ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	XOLMURODOV XURSHID QULMAMATOVICHI	Хатирчи туман ХТБ МТЭБ бошлиғи	Хатирчи туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	BURIYEV MAQSUDILION FAHRIDDIN O'G'LI	Хатирчи туман ХТБ МТЭБ уринбосари	Хатирчи туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	RAXMATULLAYEV ASLIDDIN SULAYMONOVICHI	ДХШБ мутахассиси	Хатирчи туман ХТБ ММБХ
<b>Член комиссии</b>	GADAYEV ABDUNAKIM SAYPILLAYEVICHI	Бош хисобчи	Хатирчи туман ХТБ ММБХ
<b>Член комиссии</b>	ZORIOV UMRIZOK TUXTATOSHEVICHI	коммунал туловлар ишлаш бўйича мутахассиси	ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений с предложениями со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.03.2022 года № лота 35642.  
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. Балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Здания и работы по возведению зданий 40-мактаб
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	204 638 445.00
Стартовая сумма	204 638 445.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1. 1. Моливий холати, Машина механизмлар туғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги йиллик балланс хисоблари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган булиш керак), Курилиш ташкилотини хисоб рақамиде конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % микдориде пу маблаг мавжуд булиши ёки шу микдорда айланма маблаг борлиги туғрисида банк хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс Балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-OMAD- INVEST MCHJ	25	++	25	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	25	200000000	25	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	2021 баланс	25	Экспертная		

Критерий №2 4. Банк ва солиқдан қарзи йуқлиги туғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солиқдан қарзи йуқлиги туғрисида маълумот. қайси турдаги солиқ туловчи экаллиги туғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс Балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-OMAD- INVEST MCHJ	25	++	25	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	25	200000000	8.3	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	юк қариздорлик	16.6	Экспертная		

Критерий №3 3. Пудратчи туғрисида маълумот. Рейтинг

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми .руйхатдан утқазилгани туғрисида маълумот нуқсаси . ташкилот тақрибий структураси Пудратчининг Курилиш вазирилиги махус электрон проталида рейтинг мавжудлиги туғрисида маълумот (ССС булиш авазлрок )

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс Балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-OMAD- INVEST MCHJ	25	++	25	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	25	200000000	25	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	WB рейтинг	25	Экспертная		

Критерий №4 2. Ишчи туғрисида ходимлар, Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Инжинер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар туғрисида маълумот Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ушаш объеклада бажарган ишлари туғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVQIU-OMAD-INVEST MCHJ	25	++	25	Экспертная		
NAVQIU YANGI QURILISH SERVIS	25	200000000	25	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	60	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стерговая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NAVQIU YANGI QURILISH SERVIS	204 638 445.00	200 000 000.00	01.03.2022 12.50:41	96.50
NAVQIU-OMAD-INVEST MCHJ	204 638 445.00	193 000 000.00	01.03.2022 12:16:35	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
NAVQIU YANGI QURILISH SERVIS	Прошел	96.5	96.5
NAVQIU-OMAD-INVEST MCHJ	Прошел	100	100
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 35642 от 10.03.2022 года на приобретение Хатирчи Туман ХТБга карашли 40-мактаб биносини жорий тазмирлаш учун определила победителем:

NAVQIU-OMAD-INVEST MCHJ  
301519284

и резервный исполнитель: NAVQIU YANGI QURILISH SERVIS (302728713)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ВАВАҚУЛОВ ОДИЛЖОН МАХМУДОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	ZOIROV UMRZOK TIXTATOSHEVICH	Согласен	
Член комиссии	BURIYEV MAQRUDJON FAXRIDDIN O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	РАХМАТЛЛАЙЕВ АБДУЛДИН СУЛАУМОНОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	ОДАТАЕВ АБДУЛАКИМ САУРРАЙЕВУЧИ	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП